

## **ТУРК ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЁЗМА НУТҚНИ ЎСТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР**

### **Аннотация**

Мазкур мақолада хорижий тил таълимида талабаларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантириш усуллари, ёзма иш шакллари ва ноанъанавий методлар хақида сўз юритилади. Талабаларнинг ёзма нутқидаги асосий камчиликларни бартараф қилиш йўллари кўрсатилади.

### **Аннотация**

В данной статье идет речь о методах развития устной и письменной речи, о формах письменных работ в процессе обучения зарубежных языков. Указываются пути преодоления основных ошибок в письменной речи.

### **Summary**

In this article there are written to develop methods of student's writing and oral speech in Turkish language, forms of writing work and unconventional methods. Lots of ways are shown to eliminate the main shortcomings in student's writing speech.

Хорижий тил таълимида муҳим вазифалардан бири ўзлаштирилаётган грамматик қоидалар ва сўзларни амалда қўллай олиш кўникмасини ҳосил қилишдир. Талабалар дарс жараёнида янги маълумотларни олиш билан бирга аввал эгаллаган билимларини мукаммаллаштиришлари лозим. Шунинг учун турк тили дарсларида эшитиш, ўқиш, сўзлаш ва ёзиш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган бир қанча усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Талаба учун у ўрганаётган тилда бемалол, эркин сўзлаш жуда муҳим саналади. Шу билан бирга чиройли ва хатосиз ёзиш, фикрларини ёзма баён этиш тилни мукаммал эгаллаганлик белгиси ҳисобланади.

Бугунги кунда жамият тараққиётини ахборот технологияларисиз тасаввур эта олмаймиз. Жадал ривожланиб бораётган ахборот технологиялари таълим соҳасининг тараққий этишида ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилапти. Глобаллашув даврида таълим-тарбия соҳасида ёшларнинг маънавиятига катта эътибор қаратилиши лозим бўлади. Маънавий баркамол инсоннинг ёзма нутқи ҳам равон ва беҳато бўлиши керак. Талабаларда эркин мулоқотга киришиш, тил материалларидан самарали фойдаланиш кўникмасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, турли мавзуларда матн тузиш малакасини ҳосил қилиш мақсадида турли слайдлар, компьютер дастурлари ва интерфаол методлардан фойдаланилмоқда.

Турк тили ўқитиш жараёнида талабаларнинг ёзма нутқини ўстириш, фикрларини аниқ ва лўнда ифода этиш йўллариини ўргатиш муҳим вазифалар сирасига киради. Амалий машғулотларда талабаларнинг ўз фикрларини, ўй ва қарашларини эркин ва чиройли тарзда баён этишлари учун лозим бўлган шароитларнинг таъминланиши, уларга турли мавзуларда турлича топшириқларнинг берилиши ана шу вазифани амалга оширишга хизмат қилади. Талабалар билан олиб бориладиган ҳар бир машғулотда ёзиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган педагогик технологиялардан фойдаланиш турк тилида эркин ёза оладиган мутахассисларни тайёрлашда энг муҳим қадамлардан саналади. Ўқитувчилар бу йўлда аниқ режа асосида талабанинг билим савияси ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда янги, ноанъанавий усуллардан фойдалана олиши лозим.

Бундай машғулотларда анъанавий иншо ёки баён усулларида бошқа ҳар хил кўринишдаги ёзма ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Турк тили дарсларида kompozisyon, anı, demeç, öykü, gezi yazısı каби ёзма иш шаклларида фойдаланиш талабаларнинг турли услубларда матн туза олиш қобилиятини ривожлантиради. Ҳар қайси шаклдаги вазифаларни беришдан аввал талабаларга аниқ мақсадни, ёзма иш шартларини тушунтириб бериш талаб этилади. - Талабаларнинг билим даражасига кўра ёзма иш шакллари белгиланади. Биринчи босқич талабаларига mektup, günlük, gezi иккинчи

босқич талабаларига hikaye, tasvir, karakter tasvirleri, skeç, açıklama учинчи босқич талабаларига эса tartışma, makale шаклидаги ёзма ишлар олиб борилади.

*1.Ижодий иншо- kompozisyon.* Турк тили машғулотларида жуда кенг қўлланилиб келинаётган “kompozisyon” талабанинг маълум бир мавзу юзасидан ўз фикрларини, ҳис-туйғуларини, ҳаётий кузатишларини режа асосида тилнинг грамматик қоидаларига амал қилган ҳолда баён этишидир. Маълумки, ҳар бир кишининг ўзига хос фикрлаш даражаси, ифода шакли ва таассуротлари бўлади. Ана шу ўзига хосликни ёзма нутқда ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир талаба қолиплаган ибора ва ифодаларни эмас, ўз фикрларини эркин ифодалаши лозим. Бунинг учун эса ёзма иш мавзусини яхшилаб ўрганган ва тайёргарлик кўрган бўлиши керак. Ўқитувчи ҳам талабаларнинг ёшига, қизиқишларига мос бўлган мавзуларни танлаши лозим.

*2.Сурат асосида матн ёзиш.* Амалий машғулотларда суратлардан фойдаланган ҳолда ўзига хос ёзма ишларни олиб бориш мумкин. Гуруҳдаги барча талабаларга битта сурат берилиб, шу сурат асосида ўзлари истаган шаклда матн тузишлари сўралади. Бир талаба ҳикоя ёзса, бошқаси шеърий матн ёзиши мумкин. Бу машғулотда ҳар бир талаба ўз имконияти доирасида матн тузади ва бир хил қолипдан узоқлашади. Бу вазифани бажарган талабалар қўллаган сўзларнинг кўплиги ва тўғрилиги жиҳатидан баҳоланади.

*3. “Қўшиқни эшитиб...”методи.* Ёзма нутқни ўстиришга қаратилган яна бир амалий топшириқ мусиқали вазифадир. Бунинг учун олдиндан тайёрланган қўшиқ эшиттирилади ва талабалардан қўшиқ эшитиш жараёнида нималарни ўйлагани ва нималарни эслагани ҳақида кичик матн ёзишлари сўралади.

*4.Муаммоли иншо.* Яна бир усул- муаммоли иншо ёзиш. Талабаларга бир муаммоли вазият ҳақидаги матн ўқиб берилгач, улар муаммони ҳал этиш йўллариини ёзма баён этадилар. Бу топшириқни бажариш вақтида талабанинг мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади. Турли вазиятларга оид сўз ва ибораларни амалда қўллай олиши керак бўлади.

5. “Давом эттир”. Бу вазифадан кўзланган мақсад-тугалланмаган бир матнни ўз қарашлари, ўз ҳохишига кўра давом эттиришдир. Талабаларга эртакнинг бир қисми ўқиб берилади ва эртакни яқунлаш вазифаси топширилади.

6. “*Reklamciyim*” усули. Талабаларни бир хил топшириқлар билан зериктирмаслик учун бир-бирини такрорламайдиган вазифалар берилиши керак. Масалан, “Ўзингиз истаган маҳсулот турига ёки хизмат турига реклама матнини ёзинг.” Турк тилида қисқа ва лўнда, ҳаммага тушунарли реклама ёзиш талабалар томонидан катта қизиқиш билан амалга оширилади.

Бундан ташқари, “Ўзингиз танлаган мавзуда диалог ёзинг.” “Сиз севган қаҳрамон тилидан матн ёзинг.” каби турлича топшириқлар амалий машғулотларнинг сифати ва самарасини оширади.

Албатта, топшириқларнинг барчаси дарснинг мавзусига, талабаларнинг билим савиясига қараб танланади. Ҳар бир мавзу доирасида бериладиган вазифалар маълум бир грамматик қоидадан яхши ўзлаштирилишига ёрдам бериши лозим. Масалан, “*Dilek-şart kipi*” мавзуси ўтилганидан кейин “*Keşke...*” деб номланган матн тузиш вазифаси берилиши мумкин. “Ўтган замон шакли” мавзуси доирасида “*Duydum ki*” деб бошланувчи матн тузиш топширилади. “*Sıfat*” мавзусини мустақамлаш учун “*Arkadaşımın portresi*” ёки “*En iyi arkadaşım*” номли ёзма ишлар олиниши мумкин.

Таълим жараёнида ўз ақли, ўз тафаккурини ишга сола биладиган, ноёб қобилият ва истеъдодини намоён қила оладиган, у ёки бу фанга қизиқишини орттирувчи, баркамол шахснинг шаклланишига туртки берувчи, эркин ижодий мулоҳазаларига имкон ярата оладиган мустақил иш топшириқларига кенгроқ ўрин берилиши лозим.

Ёзма нутқни ўстириш борасида режалаштирилган ўқув жараёнларида эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир жиҳат хатолар устида ишлашдир.

Албатта талабалар томонидан йўл қўйилган камчилик ва хатоларни тузатиш билан бирга ана шу хатоларни келтириб чиқарувчи сабабларни ҳам ўрганиш лозим бўлади. Турк тилини ўрганаётган талабалар ёзма ишларида

йўл қўйган имловий ва услубий хатоликларни қайта такрорламасликлари учун бу камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ва қайси қонданинг бузилганлиги ҳақида батафсил маълумот берилиши мақсадга мувофиқдир. Турк тилини ўрганувчи талабаларнинг ёзма ишларини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги хатолар кузатилди:

- Гапларнинг грамматик жиҳатдан нотўғри тузилиши,

-Эга ва кесимнинг, иккинчи даражали бўлакларнинг ўз ўрнида ишлатилмаслиги,(İzinsiz okula girilemez.)

-Фикрнинг аниқ ва лўнда эмаслиги.

Нутқнинг лўнда ва аниқ бўлиши учун фикр аниқ- тиниқ бўлиши керак. Гап тузишдан аввал талаба фикрини жамлай билиши лозим. Гапда билдирилмоқчи бўлган фикр ёки маълумот лўнда ва аниқ айтилиши керак. Ортиқча сўзлар ишлатмасликка ҳаракат қилиш керак.

-Жуда узун гаплардан фойдаланиш, гаплардаги чалкашликлар.

Узундан-узун гап айтилмоқчи бўлган фикрни тушунишни қийинлаштиради ва тушунарсиз матн пайдо бўлади.Ўрганилаётган тилда қисқа ва содда гапларни тузиш кераклиги тушунтирилиши керак.

-Тиниш белгиларининг ноўрин ишлатилиши.

Ёзма нутқда тиниш белгиларининг тўғри ишлатилиши жуда муҳим. Талабаларнинг хатоларидан бири тиниш белгиларини ноўрин қўллашдир.Масалан, қуйидаги уч гап вергулнинг ўрнига кўра турлича маънони англатади.

Bu, yeşil renkli gözleri dinlendirir.

Bu yeşil, renkli gözleri dinlendirir.

Bu yeşil renkli, gözleri dinlendirir.

-Имло қоидаларга амал қилмаслик.

Турк тилига хос бўлган қоидалар, хусусиятларни етарлича ўзлаштирилмаганлиги боис сўзларнинг хато ёзилиши ёки қўшимчаларнинг нотўғри ишлатилиши кузатилади. Бу эса маънога жиддий путур етказди. Масалан, hala-hâlâ, kar- kâr.

Турк тилида мавжуд “uzatma işareti” белгисининг қолдириб кетилиши сўз маъносини бутунлай ўзгартириб юборади.

Турк тилини ўрганаётган талабалар кўпинча турк ва ўзбек тили грамматикасидаги фарқли жиҳатларни яхши ўзлаштира олмайдилар. Масалан, сифатдош ва равишдош қўшимчаларини нотўғри ишлатиш натижасида хатоликларга йўл қўйилади. "Göndermiş mektubu aldım." Бу гапнинг тўғри шаклини ёзиш учун -dığи сифатдош қўшимчасининг қачон ишлатилишини аниқ билиш талаб этилади. Турк тилида сифатдош қўшимчаларининг вазифалари, маънолари, қўлланилиш хусусиятлари ўзбек тилидаги сифатдошлардан фарқ қилади. Талабалар кўпинча –ган сифатдош қўшимчасининг турк тилидаги муқобил шакллари (-dığи,-mış,-an )мосини танлай билишда хатоликларга йўл қўядилар.

Мен севган китоб-Sevdiğim kitap.

Ўқиган одам-okumuş adam.

Келмаган ўқувчи- gelmeyen öğrenci.

Маълумки, ёзма нутқнинг ривожланиши кўп жиҳатдан талабанинг бадий адабиётни ўқиб бориши ва ўзлаштириши билан боғлиқ. Талаба нечоғлик кўп асар ўқиса, ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқи ривожланиб, ёзиш малакаси ортиб боради. Чунки талаба бадий адабиётда тил эгаси, яъни ёзувчи фойдаланган сўз ва сўз бирикмаларининг қандай қўлланилиши кераклигини кузатади ва шу тарзда қўллайди. Ўрганилаётган тилдаги бадий асарларни мунтазам ўқиб борадиган талабаларнинг ёзма нутқи анчагина равон ва эркин эканлиги кузатилади. Асар қаҳрамонлари тилидаги ибораларни ҳам ўз ишларида бемалол тўғри қўллай олади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий тил таълимида талабаларга ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқни ўстирувчи топшириқларнинг берилиши ҳар томонлама етук филолог кадрларни тайёрлаш йўлидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ёзма ишларда кузатилган хато ва камчиликларни тузатиш, талабаларга керакли тушунтириш ва кўрсатмалар бериш таълим жараёнининг асосий қисмларидан бири бўлиши лозим. Талабаларнинг ёзма нутқини

ривожлантиришга қаратилган янги педагогик технологиялардан фойдаланиш таълимнинг сифатини оширади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ж.Шабанов.Чет тилини ўқитиш методикаси ва замонавий технологиялар.Т.,2010
2. З.Худойбергенова .Самарали таълимнинг асосий усуллари ва олий таълим тизимида уларнинг татбиғига доир..Шарқ тиллари ва адабиёти фанларини ўқитиш методикасининг долзарб масалалари.Т-2009.
3. Emin Özdemir,Adnan Binyazar. ‘Yazılı anlatım bilgileri’ Ankara.1998.